

Блогерлар матбуот анжуманида

Матбуот анжумани.
Ноқулай саволларга қандай жавоб
оламиз?



Нега ОАВ вакиллари учун ташкилот, корхоналар PR тадбирлар ўтказишади?

- жамоатчилик билан муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- лоялликни ошириш;
- нуфузни ошириш ва имижни шакллантириш;
- ахборотни ўз аудиториясига етказиш;
- мақсадли аудитория эътиборини жалб қилиш, ижтимоий фикрга таъсир кўрсатиш.

Жамоатчилик билан алоқалар инструментлари

- **матбуот анжумани** (шунингдек, интернетда онлайн ва оффлайн конференциялар);
- **брифинг**;
- **интервью** (тўғридан-тўғри, сиртдан, онлайн);
- **турли байрамлар, хусусан матбуот кун**и;
- **давра суҳбати**;
- **қабул**;
- **такдимот**;
- **пресс-тур, пресс-ланч, пресс-кафе...**

Матбуот анжумани

- Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ва янгиликлар ваколатга эга кишиларнинг шарҳи билан берилади.
- **Давомийлиги:** ўртача 45-60 дақиқа.
- ОАВ вакиллари учун ташкилотлардан зарур ахборотларни тўлиқ олиш, раҳбариятга савол бериш учун қулай имконият
- Матбуот анжуманига борсангиз, албатта корхона (ташкилот, муассаса) фаолияти билан олдиндан танишинг

Саволга жавоб олмасангиз нима қиласиз?

- **Саволингизни қайтариб, унга жавоб беришларини сўраш;**
- **Саволни сал бошқача шаклда қайта бериш;**
- **Агара аниқ фактлар бўлмаса шахсни айбламаслик;**
- **Агарда суҳбатдош (раҳбар) жаҳли чиқиб, саволингизга жавоб беришдан бош тортса, матбуот анжумани қатнашчиларининг ҳам кайфиятини бузмаслик учун бироз ҳазил қўлланг**

Савол аниқ ва лўнада бўлиши керак

- “Маъносиз саволлар” беришдан қочинг. Масалан, фарзандларингизни яхши кўрасизми? нима билан шу пайтгача шуғулландиларинг? Нега ташкилот (корхона) ўз зиммасига юкланган вазифани амалга оширмапти? ва хоказо.
- Очиқ саволлар беринг
- Сухбатдошнинг шахсиятига тегманг
- Саволга жавобни олдиндан ўзингиз бериб, кейин савол берманг
- Ҳолатни аниқлаштирувчи саволлар кўпроқ самара беради
- Масалан, жаноб ҳоким, сизнинг ўринбосарингиз коррупцияда айбланаётгани аниқми?

Савол турлари

- **Савол берганда жавобдан қочилса, суҳбатдошдан мисол келтиришни сўранг**
- Масалан, сизнинг хавфсизлик хизматингиз фаолияти қай даражада ишончли? Мисол келтира оласизми...
- **Ривожлантирувчи саволлар беринг.** Бу турдаги саволлар суҳбатдошнинг олдин айтган фикрини ривожлантириш ва аниқлаштириш учун берилади. Масалан, Сиз айловларда ғолиб бўлишга ишонишингизга нима турки бераяпти?
- **Назорат саволлари.** Суҳбатдош айтган нарсалар ҳақида маълумот бўлмаса, журналист назорат саволларини бериши жоиз. Масалан, сиз келтирган далиллар қанчалик тўғри?
-

Савол турлари

- **Ёлғонни исботловчи саволлар.** Кўпроқ жавобда ҳолатга мос бўлмаган, ёлғон фактлар келтирилса берилади. Масалан, жаноб вазир, сиз ҳозиргина мамлакатда демографик вазият яхшиланганлигини, аҳоли соғлолашганлигини айтдингиз. Аммо касалхоналар тулиб кетган, янги туғилган чақалоқлар ўртасида ўлим кўп. Бунга нима дейсиз?
- **Гипотетик саволлар.** Кўп ҳолатларда келажакда ҳолат қандай ўзгариши мумкинлигини билиш учун берилади. Ва суҳбатдошдан башорат кутилади? Масалан, Ўзбекистонга короновирус кириб келса, карантин эълон қилинадими?

Савол турлари

- **Кўприк –саволлар.** Бир мавзудан иккинчи мавзуга ўтиш учун берилади. Масалан, ҳурматли режессер суҳбат бошида сиз фильмни олиш жараёни ҳақида гапирдингиз, келинг энди иқтисодий жиҳатларига ўтайлик. Унинг харажатлари қанча бўлади? Пулни қаердан олишни режалаштираяпсиз?
- **Провакацион саволлар.** Юқорида қўйилган аниқ саволларга жавоб берилмаса, қўлланилади
- Масалан, Нега сиз ҳимоя қилишнинг ўрнига, ўз постингизни ташлаб кетдингиз?



Эътиборингиз учун
рахмат!

2021 йил